СТАТУС, РОЛ ВА НОРМАТИВ ЁНДАШУВ, СОЦИАЛ ҚИЁФАНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСИ СИФАТИДА

Ойгул Асилбек қизи Дуланбоева
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Ижтимоий фанлар факультети “Социология” кафедраси таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ижодкорлар, хусусан шоирларга хос бўлган ижтимоий статус ва роллар жамланмаси уларнинг социал ва шахслар аро муносабатлар тизимидаги ўзига хос қиёфасини белгилаши ва бу борада назарий-методологик асос вазифасини бажаришига алоҳида урғу берилади. Бунда ижодкорлар хусусан шоирларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқейи нафақат иқтисодий, моддий, маънавий шарт-шароитлар билан балки уларнинг статус ва роллари ҳаётга тадбиқ қилинганлиги билан ҳам ўлчаниши масаласи турли тадқиқодчиларнинг концепцияларини қиёсий таҳлил қилиш орқали очиб берилади. Қолаверса, ижодкорларнинг жумладан, ёш шоирларнинг ўзларини мазкур статус билан идентификациялаши масаласига ҳам алоҳида диққат қаратилади. Бундан ташқари ижодкор ёшларнинг социал қиёфасини яратишда уларга нисбатан қўлланиладиган ижтимоий санкцияларнинг роли ҳам кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: социология, статус, шахс, индивид, жамият, хулқ, ахлоқ, психология.

STATUS, ROLE AND NORMATIVE APPROACH AS A SCIENTIFIC THEORETICAL BASIS OF SOCIAL IMAGE

Oygul Asilbek kizi Dulanboyeva
Doctoral student of the Department of Sociology, Faculty of Social Sciences
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

ABSTRACT

This article emphasizes that the set of social status and roles inherent in artists, especially poets, determines their unique image in the system of social and interpersonal relations and serves as a theoretical and methodological basis in this regard. The comparative analysis of the concepts of different researchers reveals that the role of artists, especially poets, in social life is measured not only by economic, material, spiritual conditions, but also by the application of their status and role in life.

In addition, special attention will be paid to the issue of identification of artists, including young poets, with this status. In addition, the role of social sanctions against creative youth in creating a social image will be considered.

Keywords: sociology, status, person, individual, society, behavior, ethics, psychology.

КИРИШ

Ёш ижодкорлар, хусусан, шоирларнинг социал қиёфасини яратиш, уларни статус ва роллар ёндашуви асосида тадқиқ этишни талаб этади. Чунки, муайян ижтимоий гурухнинг социал қиёфасини яратиш, унинг: ёши, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, касби каби мезонлар асосида жамиятдаги мақомини белгилашни назарда тутади. Ушбу жараён умумий маънода ижтимоий гурухнинг социал статусини аниқлашни англатади. Социологияда ижтимоий келиб чиқиш, миллат, ирқ каби табиий статуслар, ҳамда: таълим, касб каби эришиладиган статуслар ажратиб кўрсатилади .

Статус ва роллар ёндашуви асосчиларидан бири Р.Линтон социал статусларни икки ёқлама маъно касб этишини кўрсатади. Унга кўра, хар бир инсон ўзини ўраб турган ижтимоий иерархияда муайян статусларни эгаллайди, у бир пайтнинг ўзида: (рахбар, ота, харидор, сиёсий арбоб) каби бир нечта статусларни амалга оширади. Баъзан индивид ўзаро зид статусларни ҳам эгаллайди. Бундай ҳолларда у ушбу статуслардан бирини танлашга мажбур бўлади.

Социал статус индивиднинг ижтимоий тизим доирасида муайян ўрни, позицияси, мақомини англатади. Р.Линтон таъбири билан айтганда, муайян ижтимоий иерархиядаги индивид ёки, гурухларнинг статуси, ушбу ижтимоий тизим: касб, жинс, ёш, ижтимоий келиб чиқиш, оилавий шароит, каби социал мезонлар билан шартланганлигини кўрсатади. Бу маънода статус кўп қиррали категория сифатида намоён бўлади. М.Вейбер статусларнинг асосий тавсифи сифатида: турмуш тарзи, касб ҳамда машғулот турини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Социал қиёфа тушунчасининг мазмун моҳияти уни яратиш билан боғлиқ мезонлар, хилма хил фан соҳаларида фаолият юритувчи тадқиқотчилар томонидан асосланган. Жумладан, социал қиёфани яратишдаги статус ва роли ёндашув Р.Лингтон, Т.Парсонслар, идеал типлар асосидаги ёндашув эса М.Вебер бу борадаги қадриятий ёндашув эса Heinich.N, Кон И.С кабиларнинг асарларида ва бошқалар ишлари, мақола ҳамда рисолаларида чуқур ишланган.

Тадқиқот олиб бориш давомида тизимлилик, назарий-дедуктив хулоса чиқариш, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил каби илмий-фалсафий тамойиллардан фойдаланилди.

Аксарият тадқиқотчилар шахснинг кўп қиррали хусусиятини унинг айни пайтда бир нечта статусларни амалга ошириши билан изохлайдилар. Масалан, муайян кафедранинг доценти: ўқитувчи доцентлик - унинг касбий статуси, 42 ёшда – ёш кўрсатгичи, эркак - жинс кўрсатгичи, интелектуал зиёли – стратификацион кўрсатгич, ўртача иш хаққи – иқтисодий кўрсатгич саналади. Мазкур кўрсатгичларнинг бари битта шахсга тегишли бўлиб, уни турли томондан баҳолашга асос бўлади. Бироқ бу статуслар бошқа шахслар статуслари билан муносабатга киришгандагина социал маъно касб этади ва муайян шахс хақида тасаввур уйғотишга имкон яратади .

Юқорида айтиб ўтилганидек, “социал статус” тушунчаси “социал рол” тушунчаси билан боғлиқ. Социал рол бу, муайян статусдан кутилган ҳатти-ҳаракат саналади. Социал рол тушунчасига 1936 йилда Р.Линтон ўзига хос классик таъриф беради ва мазкур тушунчани ижтимоий муносабатларга нисбатан қўллайди. Айнан Лингтон социологиянинг асосий икки тушунчаларини, яъни статус ва рол тушунчаларини ўзаро боғлайди ҳамда ролни статуснинг динамик аспекти сифатида баҳолайди.

Муайян статусга тегишли роллар йиғиндиси роллар тизими деб аталади. Бундан ташқари социал роллар кишининг у ёки, бу ижтимоий гурухларга мансублиги билан ҳам боғлиқ, шу боис индивид бир вақтнинг ўзида бир нечта ролларни амалга ошира олади. Бу маънода рол яхлит ҳулқ-атвор моделининг алоҳида олинган аспекти сифатида намоён бўлади. Индивид роллар ва у билан боғлиқ ҳулқ-атвор меъёрларини ижтимоийлашув жараёнида қабул қилади.

Т.Парсонс бешта асосий хусусиятдан келиб чиққан ҳолда ролларнинг таснифини беради:

1. Айрим социал роллар эмоционал совуққонликни талаб этади, айримлари эса, аксинча хис туйғуларни очиқ ифодалашга асосланади;
2. Олдиндан белгиланган ёки, эришиладиган бўлади.
3. Баъзи роллар чегараланган, баъзилари эса, биффузали, яъни киришувчан ҳарактерга эга бўлади.
4. Айрим роллар расмий, бошқа бир роллар эса, шахсий муносабатларга асосланади.
5. Турли роллар турли мотивациялар билан боғланган бўлади.

Полшалик социолог Ф.Знанецкийга кўра, ҳар бир индивид белгиланган хуқуқ ва мажбуриятлар билан шартланган муайян ижтимоий мухидда маълум

мақом ва позицияга эга бўлиб, турли социал ролларни бажаради. Ўз навбатида ушбу роллар бошқа бир статусларнинг функция ва позициялари билан чамбарчас боғлиқ, шу боис улар, индивидлар томонидан амалга оширилишига қарамай, кўп ҳолларда улардан мустақил, алоҳида мавжуд саналади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Социологияда социал роллар муайян ижтимоий позиция билан боғлиқ меъёр ёки, функция сифатида қабул қилинади. Социал роллар уларни бажараётган индивидларнинг шахсий хусусиятларидан мустақил, эркин ҳолда намоён бўлади.

“Ўқитувчи, инжинер, ёки оиладаги отанинг социал роли алоҳида индивидга бўйсунмайдиган, объектив жараёнлар, масалан, жамоавий меҳнат тақсимоти каби тизимлар томонидан олдиндан белгиланган бўлади. Ушбу ролларни бажараётган индивидлардан талаб этиладиган мажбуриятлар хар доим ҳам, бир маъноли, қаътий кўрсатмаларни назарда тутмаслиги мумкин, бироқ шунга қарамай, мазкур нормалар индивиддан ҳоли, объектив ҳисобланади".

Собиқ совет социологик анъаналарида рол концепсияси эътироф этилмади. Кейинчалик, ушбу концепсиянинг илмий аҳамиятига кенг эътибор қаратилди боиси рол концепсияси инсоннинг мураккаб социал оламига турли маданият ва ижтимоий тизимлар оқибатида юзага келган хилма хил манфатлар нуқтаи-назаридан баҳолашга имкон беради.

Шунингдек, рол тушунчаси фаолиятий ёндашув билан ҳам тавсифланади. Рол, яъни муайян ҳатти-ҳаракат уни амалга ошираётган индивиднинг мотивлари билан аҳамиятлидир.

Ижодкорларнинг жамиятдаги статуси ва уларнинг ижтимоий функциялари турли даврларда турлича баҳоланган. Бундан ташқари ижодкор тушунчасининг ўзи қадимги даврлардан то бугунги кунгача турли нуқтаи назарлар контекстида талқин этилган. Зотан ижодкорлик, инсоннинг ўзига хос фаолият тури сифатида кенг мазмун-мохиятга эга. Одатда мусиқа, тасвирий санъат, меморлик, хайкалтарошлик, актёрлик, рақс, шоирлик ва бошқа шунга ўхшаш фаолият тури билан шуғулланувчи кишилар ижодкор шахс сифатида қабул қилинади. Ижодкорлик кенг миқиёсга эга феномен бўлганлиги боис ҳам, “ижодкор” тушунчасига аниқ бир таъриф бериш имконсиз. Француз социологи Н.Эниш ўзининг “Ижодкор бўлиш” асарида қуйидаги фикрларни келтиради: “Плюрализм оқибатида чигал муаммога айланган “ижодкор” тушунчасига аниқлик киритиш, жуда муҳим. Авваломбор моддий нуқтаи-назардан: ижодкорлар томонидан ажратилаётган моддий қўллаб қувватлаш, ушбу ёрдамдан бевосита

фойдаланётган кишиларнинг иштирокисиз амалга ошиши мумкин эмас. Маънавий нуқтаи-назардан эса, бирор статуснинг жамиятдаги нуфузи унинг муваффақиятларини бошқалар ўзлаштира олмаслиги билан белгиланади. Шу боис ижодкорликнинг ўзига хос мезонлари бўлиши лозим.

Ижтимоий фалсафий адабиётларда “ижодкор” тушунчасига нисбатан турли таърифлар мавжуд. Ушбу таърифлар асосан икки хил ёндашувга асосланади: биринчидан, санъат ва хунармандчилик ўртасидаги фарқдан келиб чиқадиган таърифлар; иккинчи ёндашув эса, ҳаваскорлик ва профессионаллар ўртасидаги фарқни ажратишга қаратилган таърифлар. Хар иккала ҳолатда ҳам, санъат ҳунармандчиликдан, профессоналлик ҳаваскорликдан кўра аутентлик ҳарактерга эга деб саналади. Масалан Н.Эниш келтирган маълумотларда, Францияда чоп этилган (INSEE) статистик иқтисодий тадқиқотларга кўра, рассомлар юқори интеллектуал зиёли қатламга мансуб ҳисобланади. Ваҳоланки, олдинги тадқиқотларда улар, руҳонийлар, харбий хизматчилар билан бир даражадаги касбий категорияга киритилган эдилар. Шунингдек Н.Эниш “ижодкор” тушунчасига нисбатан қуйидаги таърифни келтиради: “ Ижодкор бу – ўз иқтидори натижасида инсонларда эстетик завқ беришга сабаб бўладиган оригинал асар яратган киши”. Ушбу категориянинг ядроси сифатида: тасвирий санъат, мусиқа, адабиёт, меъморчилик соҳасидаги ижодкорлар саналади. Шунингдек мазкур категорияга хайкалтарошлар, фотографлар, дизайнерлар ҳам киритилади. Техник ижодкорлар, дикараторлар, хунармандлар фаолият турига кўра ушбу рўйхатга киритилмайди.

Н.Энишнинг фикрига кўра, “ижодкор “ тушунчасига таъриф беришда давлат ташкилотлари нуқтаи-назаридан ёндашиш ижодкор статусини белгилашда яна ҳам чигаликларни келтириб чиқаради. Чунки, бу маънода ёндашиш ижодкорни касбий нуқтаи-назардан баҳолашни талаб этади. Масалан, Францияда 1964 йилда қабул қилинган, ижодкорларни айрим солиқлардан озод қилиш тўғрисидаги қонунда тасвирий санъат, хайкалтарошлик ва адабиёт соҳасида фаолият олиб борувчи ижодкор статуси қуйдагича таърифланади. Даромадининг эллик фоизини ўз ижод намуналаридан (расм ҳамда китоб кўринишидаги асарлар) ташкил этувчи кишилар кўрсатилган солиқлардан озод этилади.

Ушбу қонунга 1974 йилда ўзгартиришлар киритилади. Унга кўра, дизайнерлар, модельерлар ҳам ижтимоий химояга олинади.

Кейинчалик ўзгартиришлар киритилишига қарамай, ушбу қонунда кўрсатилган мезонлар ижодкор статусини тўла белгилаб бера олмайди. Чунки ушбу фаолият билан шуғулланувчи кишиларнинг иқтисодий фаровонликка

бўлган интилишлари бирдай эмас, бундан ташқари мазкур қонунда ижод намунасини яратилиши ва ундан келадиган фойда ўртасидаги вақт ҳисобга олинмаган. Зеро умри давомида бирорта асарини сотолмаган, ундан фойда олмаган ижодкорлар ҳам, кам эмас. Ижодкор тушунчасига бозор иқтисодиётига асосланган фойда мезонини қўллаш нафақат, ўзининг креативлиги, новаторлиги оқибатида бозордаги талаб таклиф муносабатларини илғай олиш қобилиятига эга индивидуал ижодкорларни балки, прагматик мақсад йўлида ижодкорлардан фойдаланувчи, санъатга алоқадор бўлмаган кишиларга ҳам, рағбат беришга имкон яратади.

Шу боис, фойда мезони, бир қатор бошқа мезонлар билан тўлдирилишни талаб этади. Масалан замонавий санъат концепцияларига хос бўлган темпораллик, яъни ўзгарувчанлик хусусиятларини ҳисобга олувчи мезонлар. Шунингдек, статистик ва молиявий ҳисоб китобларга имкон берувчи мезонлар. Бундан ташқари социологлар одатда илгари сурувчи касбий мезон ҳам ижодкор статусини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда ижодкор статусидан муайян хужжат, масалан, дипломнинг мавжудлиги, ёки, бирор касбий, ижодий уюшмалар, ассоциацияларга аъзолик талаб этилади. Бу маънода ижодкорнинг социал статуси у бажарадиган касбий роллар билан белгиланади. К.М.Левитан касбий ролларни қуйидагича таърифлайди: “касбий рол муайян касбдан талаб этиладиган меъёрий ҳулқ-атвор моделларининг йиғиндиси бўлиб, у ушбу касб хақидаги кишиларнинг тасаввури ёрдамида назорат қилинади.

Касбий рол бу, жамиятдаги муайян фаолият турини бажаришга қаратилган социал функциядир. Касбий ролга кўра, кишининг у ёки, бу ҳаракатни амалга оширишига қараб эмас, балки бажарилган ҳаракатнинг оқибатларига қараб баҳоланади. Унга кўра, касбий ролларнинг чегараси қаътий белгиланади, бироқ, улар мутлоқ эмас, чунки аниқ у ёки, бу ҳаракатни амалга ошириш кўп вариантли хусусият касб этади. Масалан ижодкор шоир, ёзувчи айни пайтда педогок, инжинер, врач ёки бошқа касб эгаси бўлиши мумкин.

Шахс сифатида ижодкор айни пайтда бир нечта ролларни бажаради. Бу ўз навбатида ролларнинг ўзаро конфликтига олиб келади. Рус тадқиқотчиси Г.Широколованинг таъкидлашича ижодкорлар орасида олимлар фаолиятида ролларнинг ўзаро зиддияти кўп учрайди. Педогогик фаолият билан машғул бўлган ижодкор олим ўқув методик ва илмий ижодий жараёндаги ролларнинг зиддияти боис улардан бирини танлашга мажбур бўлади. Бундан ташқари илмий ижодий фаолиятнинг ўзида ҳам ролларнинг конфликти кузатилади. Тадқиқотчи В.И.Купцованинг хулосаларига кўра, “хар бир ижодкор олим ёки ёзувчи шоир муайян илмий ижодий гурухларнинг аъзоси саналади. Турли манфаатларни

кўзлаган бир нечта илмий ижодий жамоаларга мансублик шахс бажараётган ролларнинг ўзаро конфликтига имкон яратади. Табиийки бу ўринда ижодкор шахс ушбу роллардан бирини танлашга мажбур бўлади". Бу маънода ижодкор статуси хақида ижтимоий ва алоҳида индивидуал онгдаги тасаввурларнинг номувофиқлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Муайян ижодкор шоир ёки, ёзувчи хақида тор доирадаги китобхон ҳамда ўқувчиларнинг фикри аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин. Лекин кенг доирадаги жамоатчилик фикри ижодкор шахсиятига нисбатан ўзига хос ижтимоий маъсулият юклайди.

Социологияда классик мезон сифатида қабул қилинувчи касбий мезоннинг ижодкор статусига нисбатан қўлланилишида бир қатор камчиликлар кузатилади. Масалан, ҳатто яқин тарихдан бизга маълум аксарият шоир, ёзувчи, рассом ёки, бастакорларнинг ижодкорликларини тасдиқловчи диплом, хужжатлари бўлмаган. Ўз навбатида муайян дипломга эга хар қандай кишини ҳам ижодкор дея олмаймиз. Бу ўринда маълумотлиликка эга бўлиш ижодкорга нисбатан асосий мезон бўла олмайди.

Социологлар касбий мезондан ташқари ижодкор статусини белгилашда вақт мезонинин ҳам таклиф этишади. Мазкур мезон кишининг умри давомида муайян ижодий фаолият билан қанча вақт машғул бўлганини назарда тутади. Ушбу мезон фойда мезонига солиштирганда бир мунча самарали ҳисобланади. Масалан, 1974 йилда Франциядаги статистика ва иқтисодиёт институти томонидан ўтказилган тадқиқотларда атига 30% ижодкор даромадининг 50% ни асарларини сотишдан олишини айтган. Ижодкорларнинг 48% эса, вақтини аксарият қисмини ижодий фаолиятга бағишлаганлигини такидлайди.

Ушбу тадқиқот натижаларига кўра, ижоднинг соф иқтисодий ва маънавий, гедонистик жиҳатлари бир-биридан кескин фарқ қилиши намоён бўлади. Аксарият ижодкорларнинг фаолияти асосида иқтисодий рентабилликдан кўра, ижодга нисбатан ички маънавий эҳтиёж доминантлик қилади.

Ижодкор статусини таърифлашда ўз-ўзини белгилаш мезонини ҳам келтириш мумкин. Унга кўра, ижодкорлик мезонини кишининг ўзи белгилайди, яъни инсон ўзини ижодкор деб ҳисобласа, у ижодкор саналади. Ушбу таъриф 1980 йилда ЮНЕСКОнинг ижодкорлар статусига оид тавсияномасида қўйдагича келтирилади:

ўз ижодий фаолиятини мавжудлигининг асосий омили деб билган, шу фаолияти натижасида санъат ва маданият ривожига ҳисса қўшган, машғулот тури ва касбидан қаътий назар муайян ижодий фаолиятга даъво қилган киши ижодкор сифатида қабул қилинади”.

Бу ўринда ўз-ўзини белгилаш мезони зиддиятли маъно касб этмайди. Бу ерда “ижодкор” тушунчаси бир мунча аниқ таърифланганлигига қарамай, ушбу таъриф амалий жиҳатдан кам фойдаланилади. 1974 йил Францияда ўтказилган тадқиқотларда сўралган респондентларнинг 60% ўзини профессионал ижодкор сифатида билиши, 15% респондент эса, ўзини ижодкор деб аташдан тортинишини айтиб ўтган.

Ёш ижодкорлар, хусусан шоирларнинг социал қиёфасини яратишда статус ва роллар ёндашувидан ташқари уларнинг муайян норматив стандартларга кўра, ҳулқ-атворини таҳлил этиш ҳам, аҳамиятли саналади. Шоир статусига эга бўлган шахс ўқувчилари, мухлислари, бошқа ижодкорлар ҳамда у аъзо бўлган уюшма рахбарлари билан турлича муносабатга киришади. Айниқса муайян ижодий уюшмаларга аъзо бўлган ижодкорлар статуси шоир бажариши керак бўлган ўзига хос ҳулқ-атвор стандартларини талаб қилади. Жамоатчилик қабул қилган ҳулқ-атвор стандартларига мувофиқ келиш учун ижодкорлар ўз субъектив эталонларини доимий шакллантириб боришлари керак. Ушбу субъектив эталон норматив талабларга асосланган бўлиб, ўз навбатида норматив талаблар эса, узоқ тарихий давр мобайнида маълум ҳулқ-атвор моделлари асосида шаклланади.

Ижодкорлардан кутиладиган норматив, яъни меъёрий талаблар муайян социо маданий муҳитда мавжуд одат ва анъаналарга асосланган норасмий муносабатлар шаклида бўлади. Бу маънода одат ва анъаналарнинг моҳияти, жамият томонидан тан олинган маълум фаолиятни амалга ошириш ҳамда уларни бажармасликни кескин қоралаш билан белгиланади. Расмий меъёрлар одатда давлат томонидан ўрнатилади. Норасмий меъёрлар эса, ижтимоий онгдаги стреотиплар, анъаналар, одатлар кўринишида авлоддан авлодга ижтимоийлашув натижасида ўтиб боради.

Ижодкор шахснинг социал роли ўзига хос норматив (меъёрий) структура билан белгиланади. Бу ўринда ролларнинг норматив, (меъёрий) структураси қуйидаги тўрт элементни ўз ичига олади:

1. Шахсдан талаб этиладиган ҳулқ-атвор намунаси;
2. Ўрнатилган талаблар ушбу ҳулқ-атворга мувофиқ келадими;
3. Ушбу социал ролнинг бажарилиши, ёки, бажарилмаслигини баҳолаш.
4. Санкциялар.

Меъёрлар индивид ҳулқ-атворининг ўзига хос мезони саналади, жамият эса, ўз навбатида ушбу ҳулқ-атворни баҳолайди. Индивид маълум ҳулқ-атворни амалга оширади, жамият эса, уни баҳолайди. Бу ҳол ижтимоий меъёрларнинг модал функциясини ташкил этади.

Ижтимоий меъёрлар бир қатор ўзига хос белгилар билан тавсифланади. Бундан ташқари социал ҳулқ-атвор меъёрлари рационал англанган ҳамда мантиқий изчил тақиқ ёки рухсат кўринишида ҳам намоён бўлади. Бу маънода восита мақсадга ёки бугунги мақсад узоқ кўзланган мақсадга бўйсундирилган бўлади. Аксарият ижтимоий меъёрлар юқорида кўрсатилганидек мақсад ва восита сифатида элементларга ажратилмайди, улар яхлит стреотип, ҳулқ-атвор стандартлари шаклида намоён бўлади. Ушбу стандарт ва стреотиплар индивиднинг ҳатти-ҳаракати сифатида амалга ошади.

Аҳамиятлилик даражасига кўра социал меъёрлар муайян иерархияни ташкил этади. Масалан: касбий этика меъёрлари, кундалик хаётдаги ҳулқ-атвор меъёрлари. Айниқса кундалик ҳаёт ҳулқ-атвор меъёрлари социал қиёфани белгиловчи муҳим элементлардан бири саналади.

Хар қандай шахс каби ижодкор ички ва ташқи социал назорат доирасида ўз ролларини амалга оширади. Жамият орасида муайян мавқейга эга бўлиб бораркан, ижодкор ўзини (шоир, рассом, ёзувчи, актёр) каби статуслар билан айнанлаштириб боради. Ушбу статусга мувофиқ роллар жамланмаси шахснинг хуқуқ ва мажбуриятларини, ҳулқ-атвор стандартларини ҳамда фаолиятини белгилаб беради. Шоир ёки, ёзувчи статусига мувофиқ ролларни бажарилишини китобхонлар, ўқувчилар, мухлислар, танқидчилар сифатидаги жамоатчилик тизими назорат қилиб боради.

Мазкур ролларни бажарилмаслиги жамоатчилик назорати томонидан турли даражадаги санкцияларни қўлланилишига сабаб бўлади. Ч.Миллс ижтимоий санкциялар хақида қуйдагиларни келтиради: муайян роллардан кутиладиган талаблар асосан икки жиҳатга эга, ўз навбатида улар индивиднинг қадриятлар тизимига бўлган муносабатини белгилайди: айрим ижтимоий роллардан кутиладиган ижтимоий талаблар рол бажарувчи индивиднинг ҳулқ-атвор стандартларини қисман шакиллантиради. Яъни бу индивиднинг ўз ролига нисбатан баҳоси ҳисобланади; айрим ижтимоий талаблар эса, бошқаларнинг ушбу ролга нисбатан билдириши мумкин бўлган реакциясига асосланади. Бошқача қилиб айтганда улар санкциялар деб аталади. Ўз навбатида ижтимоий санкциялар ҳолатига кўра салбий ва ижобий санкцияларга ажратилади. Бу ўринда санкциялар ва ижтимоий талабларнинг муносабатлари ўзаро боғлиқ, чунки муайян индивид учун ижтимоий талаб бўлган ҳолат бошқа индивидлар учун санкция ёки, аксинча бўлиши мумкин".

Социал назорат тизимида санкциялар муҳим аҳамият касб этади. Социал ролларни бажаришда санкциялардан кенг қўлланилади. Турли даражадаги давлат мукофотлари, грантлар, фахрий ёрлиқлар кўринишидаги расмий

санкциялар шоир ёзувчиларни социал ролларини бажаришда ўзига хос назорат функциясини амалга оширади. Бундан ташқари китобхонларнинг эътирофи, мухлисларнинг илиқ муносабатлари, мақтовлар норасмий санкциялар сифатида баҳоланади. Шунинг билан бир қаторда турли ижодий уюшмалар аъзолигидан чиқарилиш каби салбий маънодаги расмий санкциялар ҳамда масхара, лақаблар, турли муҳокама кўринишидаги норасмий санкциялар ҳам ижодкорлар фаолиятини жамоатчилик томонидан назорат қилинишида фойдаланилади.

Ижтимоий меъёрлар, ҳулқ-атвор намуналари асосан социал роллар орқали амалга оширилади. Бу маънода рол статуснинг динамик ҳолати сифатида баҳоланади. Ижодкор шахс ўзини муайян табиий, касбий, олдиндан белгиланган статус ва роллар жамланмаси билан идентификациялайди. Социологик адабиётларда идентификация, шахс ижтимоийлашувнинг ўзига хос механизими сифатида таърифланади. Мазкур жараёнга кўра, индивид ўзи мансуб бўлган ижтимоий гурухларнинг қадриятлари, меъёрлари, идеаллари, ҳулқ-атвор намуналари ҳамда ролларини ўзлаштиради ва қабул қилади.

Идентификация – бу индивид мақсадларининг бирор ижтимоий гурух, ташкилот, жамоа мақсадлари билан айнан келишидир. Социологияда идентификация тўлиқ ва қисман идентификацияга ажратилади. Масалан муайян ижтимоий гурух ёки, касбий жамоаларнинг ядросини тўлиқ идентификация бўлган индивидлар ташкил этади. Уларнинг ҳатти-ҳаракатлари ўз мажбурият ва бурчларини шунчаки бажариш билан чекланмайди, зеро уларнинг шахсий манфаатлари гурух ёки, ташкилот манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Аксарият ҳолларда ижодкор шахслар, хусусан шоир ёзувчилар ўзларини миллат, халқ, синф каби кенг ижтимоий бирликлар билан идентификация қиладилар уларнинг идентиклик ҳолати муайян халқ, миллат, синфнинг зиёли қатламини ташкил этишлари билан белгиланади. Чунки ижодкорлар санъатни популиризация қилиш ва ақли меҳнат билан шуғулланишдан ташқари турли ўзгаришларга сабаб бўлувчи янгиликларни яратадилар. Шунинг билан бир қаторда улар ўз фаолиятлари билан ёшларнинг маънавий дунёсини шакиллантиришга катта ҳисса қўшадилар.

Т.Парсонсга кўра, ижодкор шахслар фаолият олиб бораётган ижтимоий муносабатлар тизими нафақат амалий, балки яратувчанлик аҳамиятига эга, чунки ижодийлик шахсни шакиллантиради. Ушбу муносабатлар бир хил социал структурага эга бўлишига қарамай, хар бир шахс ушбу ролларни турлича бажаради. Бу хар бир шахснинг бетакрор, ўзига ҳослигини кўрсатади.

Бу маънода ижодкор шахсининг фаолияти янгича услуб, стандарт ва ҳулқ-атвор моделларини юзага келишига сабаб бўлади. Бироқ, шунга қарамай

уларнинг фаолияти жамият талабига кўра белгиланади. Э.Дюргейм таъбири билан айтганда: “Агар жамият санъаткор ва шоирларнинг фаолиятини доимий кузатиб, назорат қилмаганда эди, Ватанимизнинг улкан маънавияти ўзаро жанжалашаётган майда бўлакларга, томонларга ажралиб кетарди.

ХУЛОСА

Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштириб айтганда ижодкорлар, хусусан шоирларга хос бўлган ижтимоий статус ва роллар жамланмаси уларнинг социал ва шахслараро муносабатлар тизимидаги ўзига ҳос қиёфасини белгилайди. Ижодкорлар хусусан шоирларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқейи нафақат иқтисодий, моддий, маънавий шарт-шароитлар билан, балки уларнинг статус ва роллари ҳаётга тадбиқ қилинганлиги билан ҳам белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, ижодкор шоир ўз-ўзини мазкур статус билан қанчалик идентификация эта олиши унинг жамиятда эгаллаган ўрнини кўрсатади.

Ёш ижодкорларнинг социал қиёфасини яратиш уларнинг социал статус ва ролларини, ижтимоий ҳулқ-атвор меъёрларини белгилашни назарда тутади, шунингдек ижодкорларнинг социал қиёфаси қадриятий мўлжаллар, бўш вақт, ижтимоий сиёсий фаоллик каби компонентларни ҳам ўз ичига олиб, уларни тадқиқ этишни талаб қилади. Бу ўринда қадриятий мўлжаллар социал қиёфанинг статус ва роллардан кейинги муҳим белгиси саналади. Зеро, муайян ижтимоий гурухнинг қадриятий танлови унинг ижтимоий тизимдаги аҳамиятини белгилайди.

REFERENCES

1. Смелзер Н. Социология. М., 1994.
2. Знанецкий Ф. Исходные данные социологии // Американская социологическая мысль. М., 1994.
3. Комаров М.С. Введение в социологию. М., 1994. С. Кравченко А.И. Социология.
4. А.В. Миронова и др., М., 1996. С.80; Тощенко Ж.Т. Социология. М., 1998. С.318-319.
5. Кон И.С. В поисках себя: Личность и ее самосознание. М., 1984.
6. Харчева В. Основы социологии. М., 1997.
7. Парсонс Т. Система координат действия и общая теория систем действия: культура, личность и место социальных систем // Американская социологическая мысль. М., 1994.
8. HeinichN. Être artiste. Klincksieck. Paris, 1996

9. Левитан К.М. Основы педагогической деонтологии. М., 1994.
10. Левченко Е.В., Шарафиева Е.В., Шурубор Н.Е. "Лица необщее выраженье" // Высшее образование в России. 1993. № 1.
11. Добрынина В.И., Кухтевич Т.Н. Социальный конфликт в высшей школе России // Социально-политический журнал. 1994. №3-6.
12. Широкалова Г. Диалог "Преподаватель - студент": основные результаты социологического иследования // Информационный сборник НИ- ИВО. 1991. №2.
13. Философия и методологии науки. М., 1996.
14. Российская социологическая энциклопедия. Ук. соч.
15. Миллс Ч. Высокая теория // Американская социологическая мысль. М., 1994
16. Парсонс Т. Система координат действия и общая теория системы действия: культура, личность и место социальных систем // Американская социологическая мысль. М., 1994.
17. Дюркгейм. Социология образования. М., 1996.